

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД 5111000-3.11

201 8 йил «03» 03

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

201 8 йил «27» 03

АМАЛИЙ АНТРОПОЛОГИЯ АСОСЛАРИ
ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|------------------|---------|---|
| Билим соҳаси: | 100000 | Гуманитар соҳа |
| | 300000 | Ишлаб чиқариш техник соҳа |
| Таълим соҳаси: | 110000 | Педагогика |
| | 150000 | Санъат |
| | 320000 | Ишлаб чиқариш технологиялари |
| Таълим йўналиши: | 5111000 | Касб таълими (5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари)) |
| | 5111000 | Касб таълими (515900 –Дизайн (костюм)) |
| | 5111000 | Касб таълими (5321600 – Енгил сангоат технологиялари ва жиҳозлари) |
| | 5320900 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари) |
| | 5321600 | Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари |

Тошкент – 201 8 й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “27” 03 даги “274”-сонли буйруғининг 2 -илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2018 йил “03” 03 даги 7 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Д.Х. Исаева -ТТЕСИ, “Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси” катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Ф.Махкамов -«IDEAL Business Center» МЧЖ директори
О.А.Хайдаров -ТТЕСИ “ЧБКТ” кафедраси доценти

Фан дастури Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoati институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201 8 йил “22” 02 даги 8 - сонли баённома)

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастурда “Амалий антропология асослари” фанининг мазмуни, предмети, унинг мақсади ва вазифалари, Ўзбекистон Республикасида кийим ишлаб чиқаришда антропометрик кўрсаткичлар, кийимнинг сифатли бўлиши ҳамда гавдада кўркам туриши кийимнинг лойиҳасига ва размери (ўлчамлари) га боғлиқ масалалар ёритилган. “Амалий антропология асослари” фанини чуқур ўрганиш тегишли соҳалар муаммоларини ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. «Амалий антропология асослари» фанининг асосий мақсади - оммавий тикувчилик ишлаб чиқариши учун гавданинг размер типларининг тузилиши ва антропологик ўлчам - бўй стандартларини ишлаб чиқиш масалаларини ҳамда антропология асосларини ўрганишдир.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - оммавий тикувчилик ишлаб чиқариши учун гавданинг размер типларининг тузилиши ва антропологик ўлчам - бўй стандартларини ишлаб чиқиш масалаларини ҳамда антропология асосларини ўрганишдир.

«Амалий антропология асослари» фанини ўзлаштириш жараёнида

Талаба:

турли кўринишдаги тикув буюмлари базавий конструкцияларини лойиҳалашда керакли бўлган инсон гавдаси учун ўлчам ва шакли тўғрисида маълумотлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

-инсон гавдаси ташқи шаклининг анатомик тузилиши ва хусусиятлари масалаларини;

- ўлчам белгилари ўзгарувчанлиги қонуниятларини ва уларни стандартлаштириш принципларини;

-аҳоли ўлчам типларини ишлаб чиқиш масалалари, ратсионал ўлчам стандартларини тузиш, типик фигуралар тақсимооти шкалаларини ишлаб чиқиш масалаларини;

- типик фигуралар макетлари ва манекенларини лойиҳалаш услубларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

-одам танасининг анатомик тузилиши ва физиологияси, яъни суяклари, бўғимлари, мускуллари тўғрисида батафсил маълумотларга бўлиши;

-ўлчамлар қонуниятларига ва вариатсия қонуниларига асосланган конструктив тавсифини амалиётда қўллай билиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-Модул. Антропологиянинг асослари ва одамнинг анатомик тузилиши

1-мавзу. Кириш. Курснинг мақсади ва вазифалари. Антропологиянинг асослари. Одамнинг анатомик тузилиши. Скелет тўғрисида умумий маълумотлар. Суякларнинг шакли.

Одам гавдасининг анатомик тузилиши. Скелет (одам суяклари) хақида умумий маълумотлар. Скелет алоҳида қисмлари шакллари ва характеристикаси. Суякларнинг тузилиши, суякларнинг бирикиш турлари. Скелетнинг тузилиши. Умurtка поғонаси, кўкрак қафаси, тос суяклари, кўл ва оёқ системаси.

2-мавзу. Мушак системаси. Мушакларнинг тузилиши ва шакли.

Одам мушак системаси тўғрисидаги умумий маълумотлар. Мушаклар шакли ва тузилиши. Бош анатомияси. Мушаклар тури, шакли, мушаклар тузилиши ва функциялари.

2-Модул. Одамнинг морфологик белгилари

3-мавзу. Асосий морфологик белгилар. Одам танасининг ташқи шаклининг асосий морфологик белгилари

Гавданинг алоҳида қисмлари: тана, бўйин, юқори ва пастки аъзолар шакли ва уларнинг конструктив эчимига таъсири. Асимметриянинг намоён бўлиши.

Гавданинг томони (умумий) морфологик белгилари: гавда узунлиги, кўкрак периметри (айланаси), гавда массаси. Ёш давлари. Одам қомати, қоматни тадқиқ қилиш услублари, қоматни белгиловчи асосий белгилар. Катталар ва болалар қомат типларининг классификацияси

4-мавзу. Одам танасининг мутаносиблигини белгиловчи асосий белгилар.

Одам гавдаси пропорциялари. Тана пропорцияларини белгиловчи асосий белгилар. Тана пропорциялари асосий типларининг характеристикаси.

Тана тузилиши. Гавда тузилиши ва конструкция тўғрисида тушунча. Катталар гавда тузилишининг типлари. Болалар гавда тузилишининг хусусиятлари. Голланд ва Шкерли бўйича аёллар тана тузилиши. Бунак бўйича тана тузилиши. Штефко бўйича ўсмирлар тана тузилиши.

3-Модул. Антропометрия

5-мавзу. Одам танаси ўлчамлари тадқиқ қилиш усуллари. Антропометрик тадқиқотлар услубияти

Асосий антропометрик нукталар, ўқлар, чизиклар ва текисликлар. Одам гавдасининг ўлчам ва шаклини белгиловчи ўлчам белгиларининг умумий характеристикаси.

6-мавзу. Антропометрик асбоблар. Ўлчаш тартиби.

Одам гавдаси ўлчам ва шаклларининг турли омилар (пропорсиялар, гавда тузилишлари, фигуралар қомати)га боғлиқ ҳолда ўзгариши. Кийимни лойиҳалаш учун антропометрик белгилар. Антропометрик асбоблар. Бошланғич нукталарни белгилаш ва ўлчовлар ўтказиш тартиби. Катталар ва болаларни ўлчаш дастурлари.

4-Модул. Аҳолининг ўлчам типологияси ва ўлчов стандартлари

7-мавзу. Аҳолининг асосий типологияси ва тамойиллари.

Етакчи ва ёрдамчи ўлчов белгилари. Ўлчам типлари тўғрисида тушунча. Ўлчов белгиларига қўйилувчи талаблар. Бефарклик интервали. Типавий қоматларнинг оптимал сонини аниқлаш. Антропометрик ўлчов стандартлари

8-мавзу. Антропометрик белгиларнинг тақсимоти ўзгарувчанлигининг қонуниятлари.

Аҳолининг типик фигуралар системасидан қониққанлиги тўғрисида тушунча. Антропометрик белгилар ўзгарувчанлиги ва тақсимоти қонуниятлари. Тадқиқотларнинг танлов услуби. Антропометрик белгилар вариацион каторини тузиш принциплари.

Антропометрик стандартлар тўғрисида тушунча.

9-мавзу. Ишлаб чиқаришда болалар ва катталар размер типологиясини қўллаш муаммолари.

Танловни режалаштириш. Типавий қоматлар тизимини ва уларни фоизларда тақсимлаш шкаласини қуриш. Катта ёшдаги аҳоли. Кичик ёшдаги аҳоли.

Динамик антропометрия ва уни саноатда қўллаш имкониятлари.

IV. Лаборатория машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Лаборатория машғулотлари учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Одам танасининг анатомик тузилиши.
2. Одам танаси ташқи шаклининг умумий тавсифи.
3. Одам танасининг ўлчам тавсифи.
4. Динамик антропометрия.

Лаборатория машғулотлари антропометрик курилмалар билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Эргономик схемаларни ишлаб чиқиш.
2. Ўлчамларни статик ва динамик ҳолатларда ўлчаш.
3. Динамик ўзгаришларни аниқлаш.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва тақдимот қилиш тавсия этилади.

Фан бўйича курс иши ўқув режада кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари Асосий адабиётлар

1. Амалий антропология ва биомеханика. Дарслик. -Т.: “Ворис-нашриёт”, 2009.- 304 б.
2. Х.Юнусходжаева, Д.Х.Исаева. Антропология. Дарслик. – Т.: 2018 й.
3. Дунаевская Т.Е. и др. «Размерная типология населения с основами анатомии и морфологии человека». Учебное пособие. -М.: Легкая индустрия, 2001.- 280 с.
4. Р.Д. Синельников. Атлас анатомии человека. Учение о костях, суставах, связках и мышцах. Учебное пособие. -М. Медицина. 2001.
5. Камилова Х.Х. Хамраева Н.К. «Тиқув буюмларини конструкциялаш». Дарслик. – Т.: «Чўлпон », 2011 й. – 400 б.

Қўшимча адабиётлар:

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил ақунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 16 январь, №11.

7. К.М.Абдуллаева, Н.С.Гаипова ва б. Амалий антропология асослари Ўқув кўлланма- Т., 2003. – 240 б.

8. Барчаи. Анатомия для художников. Учебное пособие. -М.:, 1980.

Интернет сайтлари

9. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали

10. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

11. <http://archive.thomson.com/pam>

12. <http://www.anatomie.narod.ru/Information7.htm>

13. <http://meduniver.com/Medical/Book/114.html>